









ЎЛКАМИЗДА баҳор нафаси кезмоқда. Жанубий районларда ўрик ва бодомлар қийғос гулга бурқанди. Суратдаги мағрур нигоҳли отахонга қаранг. У киши Термиз районидagi Жданов номли колхоз боғбони Жўрали Шомиров. Соҳибкор бу йил боғлар қўйнида ўзининг 75-баҳорини қарши олади.

В. Лейзерович фотоси. (ЎТАП).

САХИФАДА:

КИЧИК ЖАХОН ЧЕМПИОНАТИ
БАҲОР НАФАСИ
ТАДҚИҚОТ ВА ИЗЛАНИШЛАР
ИЛМИЙ МАРКАЗ
СИНОПТИКЛАР ХАБАРИ.

АХБОРОТ НАМАНГАН ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ

Наманганда янги илм даргоҳи — Урта Осиё қишлоқ хўжалик экономикаси илмий тадқиқот институтининг об-ласть бўлими ташкил этилди. Икки бўлимдан иборат бу институт илмий ходимлари қишлоқ хўжалигини математиканан раціонал фойдаланиш ва колхоз, совхозларнинг иқтисодий-социал тараққиёти масалаларини ўрганаётганлар.

УРИБОСАРЛАР

Чортоқ посёлкида ишчи синфининг ўрибосарларини тайёрлаш мақсадида янги хўнара-техника мактаби очилди. Янги билим даргоҳига қабул қилинган ёшлар бу ерда слесарий, токарлик, бинокорлик, шойин тўшиш ва янгириш хўнарларини эгаллайдилар.

КЎРИК-КОНКУРС ҒОЛИБИ

1972 йилда Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрига, Ўзбекистон Совхозлар министрига ва масаба соҳалари республика комитети қарорига кўра намунали техника хизмати кўрсатишни уюштириш ва қишлоқ хўжалик техникасини сарфлаш бўйича республика кўрик-конкурс эълон қилинган эди.


БОШ ПЛАН АСОСИДА

Пахта ва бошқа экинлардан йил сайин мўл ҳосил олинаётган қишлоқларимизни бош план асосида янги қуриш учун натта имкониятлар яратиб бермоқда. Шу мақсадда Учқўрғон районининг Норин зонасида қишлоқ қурилиши билан шугулланувчи янги қурилиш ташкилоти — 34-ноҳахозларо механизациялашган кўча колонна иш бошладилар.

СТУДЕНТЛАРНИНГ СПОРТ ШАҲАРЧАСИ

Жийдакана қишлоғида қурилиш техникуми ташкил этилганга ҳали кўп вақт бўлмаган йў. Қисқа вақт ичида бу ерда физкультура ва спорт ишлари жонлантириб юборилди. Техникум территориясида студентларнинг янги спорт шаҳарчаси қурилиши тугаланиб, фойдаланишга топширилди.


О. ЖУМАНАЗАРОВ, «Совет Ўзбекистони» мухбири.



Об-ҳаво

Бугун кўндузи республикаимизда областларда ҳавонинг кам булутли келиши, ёнғинларнинг бўлмағлиги кўтилади. Жануби-Шарқда секундига 10-14 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат 13-17, Фарғона водийсида эса 6-10 даража тарафига бўлади.

Тошкентда ҳам ҳаво кам булутли келиб, Шарқ томондан секундига 2-4 метр тезликда шамол эсади. Иссиқлик 14-16 даражадан ошмайди.



ТОШКЕНТ ТУРНИРИ

Дўстлик ва биродарлик шаҳри Тошкент яна бир ўзига яраша катта халқаро воқеанинг арафасида. Индия республикаимиз пойтахтида Урта Осиё шаҳарлари орасида биринчи марта йirik спорт мусобақалари бошланади. Мухлисларнинг севимли маскани — «Юбилей» спорт саройи гавжумлашади. Бу ерда жаҳон кичик чемпионати деб баҳоланаётган оғир атлетикачилар мусобақаси — «Дўстлик» турнири соврини учун курашга старт берилди.

Қарий ўн беш йилдан бери давом этиб келатган мазкур халқаро турнир мусобақалари дастлаб Ватанимиз пойтахти Москвада ўтказилган эди. Ушунда «Дўстлик» соврини учун ер юзининг саккиз мамлакатидан яқинлашган иштирок этишганини иштироблар яхши ошладилар. 1965 йилдан бошлаб бу мусобақаларни фақат Москвадагина эмас, балки мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларида ҳам ўтказиш расм бўла бошлади. Штанга кичик чемпионати аввал Ригада, кейин Тбилиси, Киев, Минск, Ростов-Донда ўз маҳоратларини намойиш қилдилар. Утган йиллар мобайнида қанчадан-қанча полволларнинг номини жаҳон миқёсида жарангади. Ўз мамлакатларининг рекордини

- ЖАХОН ЧЕМПИОНАТИГА ҚИЕС ҚИЛГУЛИК
ЭНГ КУЧЛИЛАР СОВРИН ИШТИЕКИДА
ДОВРУҚЛИ ПОЛВОНЛАРИМИЗ
ШАҲРИМИЗ — ХАЛҚАРО МУСОБАҚА МАЙДОНИ.

монлар соврини иштиёқиди куч синашдилар. Беш кун давом этадиган мусобақа кезлари шахримиз ўзига хос катта спорт майдонига айланади. Соврин ағаси бўлиш учун таниқли ва маҳоратли тошқинлар полволлардан япониялик К. Мики, эронлик Э. И. Насирли, белгиялик С. Редиг, польшалик Х. Смалецкий, венгриялик И. Фельди, болгариялик И. Нуриқян, И. Биков, А. Николов каби чет эллик штангачилар шай бўлиб туришибди.

Мусобақага совет спортчилари ҳам катта ҳозирлик қўришган. Оғир атлетикачиларимизнинг донги аввалиги мусобақада қатори Мюнхен олимпиадасида ҳам кенг тарқалгани маълум. Қизғин шундан, эри-

шилган 9 олимпиа чемпиони номидан саккизтаси Болгария, СССР, Польша ҳамда Венгрия спортчиларига насиб қилди. Агар ўтган йили ҳаммаси бўлиб 76 та жаҳон рекорди ўрнатилган бўлса шундан 66 таси совет полволларига, қолгани — 7 таси болгарияликларга, 2 таси венгрияликларга, бири польшаликларга тегибди.

Тошкентлик тоқошбилар мусобақа кўнлари довуруқли совет спортчиларидан В. Алексеев, Я. Галько, П. Первушин, Д. Ригертлар қатори кейинги йилларда таниқли қолган Д. Шанидас, Г. Четин, Г. Иванченко, Ю. Колин, В. Янубосекийлар, терма команда аъзоларига эътибор қилинганлардан А. Воронин, А. Мелкоян, Г. Торосян, Р. Тарнид, В. Васильев каби ёшларнинг чиқишларини кўрадилар.

Республикаимизда футбол масмуми олдидан олий ва қуйи лига командалари ўртасида мусобақалар бошланди. Республика спорт комитети соврини учун бошланган бу турнирда «Пахтакор», «Янгир», «Автомобилист», «Нефтчи», «Труд», «Андижанец», СКА (Тошкент), Футбол мактаби, «Мотор» (Гулистон), «Строитель» (Самарқанд), «Коммунизм» (Қарши) командалари иштирок этишмоқдалар. Ҳақиқатан Тошкент, Самарқанд, Янгир, Гулистон, Жиззах, Қарши ва Чирчиқда бўлади. Дастлабнинг ўйинида «Пахтакор» билан «Янгир» командалари куч синашдилар. Самарқандда ўтган бу ўйинда ҳисоб 1:1 билан тугади. 11 мейли жарима тўғриси белгиланди. Шундан кейин янгирликлар 5:4 ҳисобида ғалаба қилишди.

Л. ЭРГАШЕВ, «Совет Ўзбекистони» мухбири.

Фан оламида

Олимлар металлларнинг тузил-лиш ширларини тобора чуқурроқ билиб бормоқдалар. Техника фанлари доктори, профессор С. М. Баранов темир негиздаги қотиш-малар тузилиши ва ҳоссининг муҳим хусусиятлари ширларини очибга имкон берадиган янги бир ҳодисани пайқайди. 20 февралда СССР Министрлар Совети ҳузури-даги ихтиро ва кашфиёт ишлари комитети мана шу тадқиқотларни илмий кашфиёт деб тоғди ва уми СССР давлат рўйхатида қайд этди.

С. М. Баранов кўп экспериментлар ўтказиб темир негизли, тарқибда қромиий бўлмаган ёхуд тарқибни унинг монооксиддангина иборат бўлган қотишмалар қим-матли ҳоссаларга ага эканлигини аниқлашга муваффақ бўлди. Бун-да қотишма ғоятда қушқун, то-ликмасдан қўлга чидайдиган бў-либ паст температураларини пи-санд қилмайди ва яхши пайванд-ланади. Қадимги Дамашқ пўлатини сирни ҳам қотишмасида қро-миий йўқлигидан иборатдир.

Таниқли совет олимлари янги кашфиётни юксак баҳоладилар. Шунинг асосида олдидан белги-ланган ҳоссага юқори сифатли қромиийсиз пўлат олиш методи ишлаб чиқилди. Бу усул методи бўлиб печларни қайта қуриш учун катта харажатлар талаб қилмайди. Янги темир қотишмаларини очик печларда жумладан мартен печ-ларидида қувириш мумкин.

Ватанимиз синоватда темир не-гизда қотишма қувиришни янги усули ишлатиша бошладилар. Жум-ладан, Москвадаги Лихачев ном-ли автомобиль заводиди ва Череп-овец заводидида шу усул қабул қилинди.

Қўпгина мутахассисларнинг фи-рига кўра, янги кашфиёт кела-

жада илмий тадқиқотларда ва металлургияда ҳосса олдидан белгиланган қотишма қўиш иш-ларда ғоят кенг қўлданда қўла-нилади.

А. ПРЭСНЯКОВ, [ТАСС мухбири].

Барсаладэ номидаги Тбилиси паразитология ва тропик ве-дицина институти Грузия қишлоқ-лари бўйлаб экспедиция уюшти-рди. Бу юришдан кўзда тутил-ган асосий мақсад-медицина му-аммоларига дахлдор бўлган афро-налар, халқ риоватларини тўп-лашдан иборат.

Кола ярим оролида экспе-дицияда қатнашган СССР Геогра-фия институтининг филиал фи-зика-география отряди «Север-оний» металлургия комбина-тининг шаҳар ченисидаги ўрим ва сувларга таъсирини ўрганиб, бой материал тўплади. Ихтило-лар эса Серебрянский сув ом-бори тадқиқот ишлари олиб бо-риб, бу ёш ярим орол сув ҳав-заларида оқ балиқ ва бошқа қим-матли балиқ турлари учун ихти-рофларининг шаклланиш жара-ёни давом этатганини аниқ-ладилар.

Тарих фанлари доктори Н. И. Сонольский раҳбарлигида СССР Фанлар академияси археология институти экспедицияси Тамань ярим оролида антиқ ноёб ишоот-филосифи аниқлади. Шу пайтга-бутун дунёда ана шундай ишоот-дан атғини ўнтаси маълум эди. Улар Олимпиада, Афинада, Дель-фал ва бошқа Қадимий Греция-нинг йирни маданий марказларида топилган эди. Маълумки, Афина-даги фолосда суд мажлислари бўлиб ўтган, нуруллар санданган.

Тамандаги ноёб ишоот-муқаддас фолос қандай ўрин тутганини ҳозирча жумбоқ бўлиб турибди.

Имтиҳонга тайёрланмасдан кела-диган студентларнинг юрак-қон-томир системасидаги ўзгаришлар одамда юрак ўйноғи олдидан юз берадиган ўзгаришларга яқин кел-ляди. Волгоград давлат медицина институтини студентлар илмий ту-гарганининг аъзолари кейинги сес-сия имтиҳонларидан бирида ўз ўртоқларининг дистанцион элек-тр кардиограммасини олиб ва то-мир уруши тезлигини ўлчаб, шу-ндай хулосага келидилар.

Экспериментдан мақсад олдидан ишловчи аппаратларни текшириб қуришдан иборат бўлсада, оли-нган маълумотлар мадиқ студент-ларнинг эътиборини жалб қилмай қолмади. Емон тайёрланган сту-дентнинг томир уруш тезлиги ми-нутига 160 — 180 мартага етди ва электрокардиограмма шу киши-нинг саломатлигига хатар еткази-лаётганини билдирувчи чайка-лишлар берди. Бутун имтиҳон да-вомида ва имтиҳондан кейин анча вақтгача бундай студент зўр ҳаж-жонда бўлиб турди ва бу нарса албатта нормал ҳордик чиқариш-га ва наэбатдаги имтиҳонларга тайёрлинишга ҳалақит берди, ал-батта.

Йил мобайнида мунтазам ра-вишда дарс тайёрлаб борган сту-дентнинг эса юракқон томир сис-темасида бундай кучли ўзгариш-лар рўй бермайди. Бундай сту-дентда ҳам имтиҳон олдидан бў-ладиган тўқиланиш бирон йўсин-де рўй берсада, аммо у тезда нор-мал ҳолатга қайтиши ва имтиҳон унинг организмидида асорат қолдир-май ўтади.

И. ТИТОВ, [ТАСС мухбири].

Редактор М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

СУВДА МАХСУС МОТОРЛАР БИЛАН ЖИХОЗЛАНГАН КАТЕРЛАР ВА ҚАЙИҚЛАРДА САЙР ҚИЛИШ — ҲОРДИК ЧИҚАРИШНИНГ ЭНГ ЯХШИ ТУРИДИР

«Уаспорттор»нинг Тошкент улғурин-чанана базаси қайиқ моторлари, турли марка ва моделдаги қайиқлар, катерларни Тошкентдаги барча ташиқлотларга «Уаспорттор»нинг Тошкентдаги 3- майда чакана магазини (Тошкент шаҳар, Луначарский шоссеи, 140, телефон 66-57-69) орқали пул ўтказиш пули билан

СОТЛАДИ

Юфорида кўрсатиб ўтиган нарсаларни харид қилмоқчи бўлган граждандар уларни «Уаспорттор» магазинларида нақд пулга сотиб олишлари мумкин.
«Уаспорттор» магазинларининг адреси:
№ 1 — Тошкент 700128, У. Юсупов кўчаси, 2- уй, телефон 39-16-93;
№ 2 — Тошкент 700096, Муҳимий кўчаси, 16- уй, телефон 74-26-40;
№ 5 — Янгийўл шаҳар, Колхоз бозори;
№ 14 — Чирчиқ шаҳар, П. Морозов кўчаси, 1- уй, телефон 40-92;
№ 15 — Гулистон шаҳар, Калинин кўчаси, 70- уй, телефон 32-21;
№ 16 — Урганч шаҳар, Колхоз бозори, телефон 33-92;
№ 17 — Нукус шаҳар, Октябрь кўчаси, 3- уй, телефон 43-78;
№ 18 — Ангрин шаҳар, В. И. Ленин проспекти, 6- уй, телефонлар: 29-56, 42-59;
№ 20 — Жиззах шаҳар, Тошкент кўчаси, 11- «А» уй, телефон 4-33;
№ 34 — Олмалиқ шаҳар, Ленин кўчаси, 25- уй, телефон 25-71;
№ 42 — Тошкент шаҳар, Кабулқов кўчаси, Олов бозори, телефон 33-39-06;
№ 44 — Бекобод шаҳар, Октябрь кўчаси, 10- уй, телефон 35-12;

БАЗА ҚУЙИДАГИ МАРКАЛАРДАГИ

қайиқ моторларини — «Салют», баҳоси 110 сўм; «Прибой» — 145 сўм; «Ветерок-12» — 200 сўм; «Москва 25/30» — 400 сўм; «Ветерок-В» — 154 сўм; «Луч» (стационер) — 335 сўм; «Стационар» — 300 сўм; «Москва» — 160 сўм;
Қайиқларини — Пластмассадан тайёрланган «Ласточка», баҳоси — 275 сўм; Егондан тайёрланган «Наредина» — 220 сўм; Металдан ишланган «Янгир» — 380 сўм; Нигиладиган «Малютка» — 78 сўм; Нигиладиган қайиқ — 55 сўм;
Катерларини — «Кама», баҳоси 456 сўм; металлдан тайёрланган «Прогресс» — 700 сўм; металлдан тайёрланган «Амур» — 2400 сўм; ёгондан тайёрланган «МК-20а» — 261 сўм

СОТЛАДИ

Справкларини қуйидаги адрес бўйича олиш мумкин: Тошкент шаҳар, Қўйиқ, Строительная кўчаси, 1. уй, телефонлар 91-57-80, 91-09-87, 91-59-84.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БҮГҮН

ВИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30 — МОСКВА. 18.40 — ТОШКЕНТ. 18.45 — Ақойиб ишлар ҳаёти. 19.15 — Ёш икромчилар концерти. 19.45 — «Ахборот». 20.00 — Хўжмагла фильмлар. 20.30 — Ўн минут музика. 20.40 — «Ахборот». 21.00 — Олмага сажат. 22.00 — «Вақт». 22.30 — «Коммунизм» программаси. 23.00 — Нафосат (бадий фильм). ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 10.25 — ТОШКЕНТ. 10.30 — Мультифильм. 10.50 — Энергот хазинаси (бадий фильм). 18.40 — МОСКВА. 19.30 — Инсон ва қонун, 20.00 — С. Михайлов туғилган кунининг 60 йиллигига бағишланган адабий кеча. 21.30 — Валет шинавандалари учун кўрсатув. 22.00 — «Знакомство». 22.30 — Валли азаматлар (Москва). УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — Тошкент янгиликлари. 19.15 — Телефильм. 19.30 — Ўқув кўрсатувлари. 20.50 — Кўча ҳаранати хавфсизлиги учун. 21.20 — Телеспектакль.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИЯ ДРАМА ТЕАТРИДА — 14/ПШ да Алишер Навоий.

ЎЗБЕКИСТОН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ, МИКРОБИОЛОГИЯ ВА ИНФЕКЦИОН КАСАЛЛИКЛАР ИЛМИЙ-ТЕЖИРИШ ИНСТИТУТИ

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Илмий секретари; ташкилий-методика бўлимининг респиратори вируслар лабораториясининг мудири; катта илмий ходимлари: эпидемиология ва дизентерия клиника лабораторияси (2 ўрин), қизамиқнинг олдани олиш группасига, ички вируслар лабораторияси, электр микроскопия группасига; катта илмий ходим ва кичик илмий ходимлар (2 ўрин) илмий-медицина ахбороти группасига; катта илмий ходимлар (2 ўрин) ва кичик илмий ходим. «Инфекцион патологияда микророземелларнинг биология роли» лабораторияси; лабораторияларнинг кичик илмий ходимлари: салмонеллар эпидемиологияси (2 ўрин), клиника бўлимининг тиф-паратиф касаллиқлари, респиратори вируслар (2 ўрин), трансмиссия вируслар; микроблар имунно химияси (2 ўрин), вабо, чечак; лабораторияларнинг катта ва кичик илмий ходимлари: вирусли гепатит эпидемиологияси, зооноз инфекциялар; Ички инфекциялари банкте, риология лабораториясининг мудири, катта (2 ўрин) ва кичик (2 ўрин) илмий ходимлари. Конкурс мўддати эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Мурожаат учун адрес: Тошкент-133, Литературная кўчаси, 3-уй.

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИ 1973 ЙИЛ ФУТБОЛ МАВСУМИГА АБОНЕМЕНТЛАРИ ТАРҚАТАДИ

Абонементлар стадионнинг марказий ҳассасида ва район каласарида нақд пулга эрталаб соат 10 дан кеч 7 гача сотилади.